

Сурхондарё вилояти ҳоқими девони ҳужжатларини  
рўйхатга олиш ва жўнатиш  
ВАРАҚАСИ

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг 2019 йил 20 июлдаги  
285/5-42-сонли қарори  
(ҳужжатнинг номи)


Ҳужжатнинг тартиб рақами 285/5-42

20 июль 2019 й.

ЖЎНАТИШ РЎЙХАТИ

№	Ҳужжатни ижро этиш учун юборилаётган ташкилот, корхона, муассасалар номи	Нусха сони	Ҳужжатни олди (ФИШ)	Ҳужжат жўнатилди	Ҳужжатни олганлиги тўғрисида имзо
1.	Термиз шаҳар ва туманлар ҳоқимликлари	14		себ	
2.	Вилоят ҳоқимлигининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича мажмуаси	1		себ	
3.	Вилоят ҳоқимлигининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича мажмуаси	1		себ	
4.	Сурхондарё вилояти ҳоқимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича мажмуаси	1		себ	
5.	Вилоят ҳоқимлигининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича мажмуаси	1		себ	
6.	Вилоят ҳоқимлигининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича мажмуаси	1		себ	
7.	Вилоят ҳоқимлигининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича мажмуаси	1		себ	
8.	Вилоят прокуратураси	1			
9.	Вилоят ИИБ	1			
10.	Вилоят давлат солиқ бошқармаси	1		себ	
11.	Вилоят Хотин-қизлар қўмитаси	1		себ	
12.	Вилоят молия бош бошқармаси	1		себ	
13.	Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси	1		себ	
14.	Марказий банк вилоят бош бошқармаси	1		себ	
15.	Вилоят бандлик бошқармаси	1		себ	
16.	Вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси	1		себ	
17.	Вилоят Сувокова ДУК	1		себ	
18.	Вилоят Мажбурий ижро бюроси	1		себ	
19.	Вилоят электр тармоқлари корхонаси	1		себ	
20.	Савдо-саноат палатаси	1		себ	
21.	Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилояти бўлими	1		себ	
22.	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси	1		себ	
23.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят Кенгаши	1		себ	
24.	Сурхондарё вилоят телерадиокомпанияси	1		себ	
25.	Сурхондарё вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси	1		себ	
26.	“Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари бирлашган тахририяти	1		себ	
<b>Жами</b>		<b>39</b>			

Ҳужжатни жўнатишга тайёрлади



Н.Чориев

Тел: 224-10-88





2019 йил 20 июль

№ 285/5-42

Термиз шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сонли ва 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4102-сонли қарорларига асосан бириктирилган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг 6 ойда амалга оширилган ишлар тўғрисида сектор раҳбарларининг ҳисоботлари ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сонли “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2019 йил 8 январдаги “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102-сонли қарорларига асосан вилоят аҳолиси учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий муҳитни яхшилаш ҳамда иқтисодиёт тармоқларини кенг кўламда ривожлантириш борасида 2019 йилнинг 6 ойлигида секторлар раҳбарлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида секторлар раҳбарлари бошчилик қиладиган ишчи гуруҳлар томонидан хонадонма-хонадон кириш натижасида аҳолининг 26,7 мингдан ортиқ муаммолари аниқланди. Уларнинг 26 мингдан ортиғи ёки 98 фоизи жойида ҳал этилиб, қолган муаммоларни бартараф этиш бўйича “Йўл хариталари” тасдиқланди ва ижроси тўлиқ таъминланмоқда.

Аҳолининг электр таъминотини яхшилаш борасида 64,1 км электр узатиш тармоқларида ва 26 дона трансформатор пунктларида қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилди.

Шунингдек, вилоятда йўл-транспорт ва муҳандислик соҳасида 71,1 млрд. сўмлик ҳамда Ижтимоий соҳа инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича 40,1 млрд. сўмлик ишлар амалга оширилди.

Маҳаллий бюджетнинг 6 ойлик даромадлар 577,3 млрд. сўмни ташкил этиб, режа кўрсаткичига нисбатан 119,4 фоизга бажарилди.

Сурхондарё вилоятида 2019 йилда Бандлик дастури бўйича 6 ой давомида 4200 та иш ўринлари яратилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 4221 та (100,5 %) янги иш ўринлари яратилди.

Аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш борасида вилоятда жами 406582 та аҳоли томорқаларида режалаштирилган жами 48815 гектар тўқсонбости экинлари экилди, шундан 21 966,7 гектарга ерёнфоқ, 7 322 гектарга мош, 5858 гектарга қовун-тарвуз, 13 668 гектарга бошқа экинлар экилди.

Амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда секторлар фаолиятини ташкил этишда айрим шаҳарлар ва туманларда олиб борилаётган ишлар етарли даражада эмас.

Жорий йилнинг апрел-июнь ойларида 80 609 минг долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилиб, прогноз ижроси 102 фоизга бажарилди.

Жумладан, 2019 йил экспорт прогноз кўрсаткичларининг 6 ойлик режаси ижроси Қизириқ, Денов ва Музработ туманлари томонидан таъминланмади ва ишлар тўғри ташкил этилмади.

Кун тартибидаги масала бўйича билдирилган фикр мулоҳазалар ҳамда таклифларни инобатга олган ҳолда, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

### **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. Вилоятни комплекс ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг бажарилишини ташкил этиш юзасидан вилоят секторлари раҳбарларининг ҳисоботлари ахборот учун қабул қилинсин.

2. Қизириқ, Денов ва Музработ туманлари секторлари раҳбарлари томонидан экспорт прогноз кўрсаткичларининг ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган фаолияти етарли эмас деб топилсин.

Йил якунига кўра мазкур секторлар фаолиятида ижобий ўзгаришлар қилинмаган тақдирда сектор раҳбарларига нисбатан лавозимидан озод қилишгача бўлган интизомий жазо чораси қўлланилиши белгилаб қўйилсин.

3. Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарларига:

худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ташкил этилган секторлар ишчи гуруҳлари таркибига киритилган ҳоким ўринбосарларининг секторлар фаолиятини юритишда масъулиятини ошириш ва самарали иш ташкил этиш чораларини кўриш;

сектор штабларида ишлаш ва фуқароларни қабул қилиш учун шарт-шароитларни тўлиқ яратиш, доимий навбатчиликни ташкил этиш, белгиланган ҳужжатлар тўлиқ юритилишини таъминлаш ва сектор худудининг электрон маълумотлар базасини, жумладан уйма-уй юриш натижасида аниқланган муаммолар тўғрисидаги маълумотларни Hudud.uz дастурига тўлиқ киритилишини якунига етказиш ва маълумотлар базасини доимий янгилаб бориш;

худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган “йўл харита”ларига киритилган аҳоли муаммоларини тўлиқ бартараф этиш чораларини кўриш;

худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларни, жумладан 2019 йилда Дастур доирасида умумий қиймати **23,6 трлн. сўм** бўлган **649 та инвестиция лойиҳаларни** ишга тушириш ҳамда **11531 нафар** янги иш ўринлари яратиш;



ўтказилган хатлов натижалари бўйича аниқланган бугунги кунда бўш турган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларидан келгусида самарали фойдаланиш бўйича лойиҳа ташаббускорларини аниқлаш ва уларга лойиҳаларни тезроқ амалга оширишларида кўмаклашиш;

2019 йил учун жами 164 981,9 млн.долларлик, жумладан, 12 510,9 млн. долларлик саноат маҳсулотлари ҳамда 152 471,0 млн.долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш режасининг тўлиқ ижросини таъминлаш;

ижтимоий масалалар жумладан, уй-жой коммунал, йўл, энергия, сув ва иссиқлик таъминоти, ижтимоий муҳофазанинг манзиллилиги, ижтимоий соҳа объектлари, энг аввало соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа муассасаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, айниқса вояга етмаганлар, ёшлар ҳамда хотин-қизлар ўртасида профилактика ишларини ташкил этиш;

оила-турмуш доирасидаги жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида оила турмуш доирасида шов-шувли ҳолатларда содир қилинган қотиллик, оғир тан жароҳати етказиш жиноятлари ва уларнинг содир этилишига имкон берган ҳолатларни акс эттирувчи видеороликларни тайёрлаб, ОАВ орқали ҳамда бевосита фуқаролар билан ўтказиладиган тарғибот тадбирлари жараёнида намойиш этиб бориш ҳамда қариндошлар ўртасидаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида жойларда фаолият кўрсатиб келаётган “Яраштириш комиссияси” иш фаолиятини янада жадаллаштириш чораларини кўриш;

“Ёшлар-келажагимиз”, “Ҳар бир оила - тадбиркор” давлат дастурларида белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

ҳар бир сектор штабида ҳафтада бир марта фуқаролар қабулини ва ойда бир марта “Тадбиркорлар куни”ни ташкил этиб, уларнинг муаммоларини ечиб бориш тизимини самарали ташкил этиш;

мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар бўйича ҳар кунлик маълумотларни вилоят бўйича ишчи гуруҳлари томонидан амалга оширилган ишларни умумлаштирувчи мониторинг гуруҳига (эл.манзил: [surxonorgkadr@umail.uz](mailto:surxonorgkadr@umail.uz), телеграм месенжерига “кунлик маълумот 17:00 гача”) тасдиқланган ва электрон шаклда тақдим этиб бориш топширилсин.

#### 6. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссияларига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сонли қарори билан тасдиқланган “Вилоятни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларнинг ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят, туман ва шаҳар сектор раҳбарлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш;

депутатларнинг ўз округларида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан депутатлик назорати ўрнатилишини таъминлаш;

депутатлар томонидан аҳолида вужудга келган ёки ўз ечимини кутаётган масалаларни (муаммоларни) жойлардаги ваколатли идоралар билан ўз вақтида ва сифатли ҳал этиш бўйича депутатлик сўровлари юборилишини ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссиялари йиғилишлари ва вилоят Кенгаши сессиялари муҳокамасига киритиб бориш топширилсин.

7. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари в.б Р.Пардаевга вилоят ҳокимлиги аппарати матбуот котиби З.Тўраев, вилоят телерадиокомпанияси (Б.Мингбоев), “Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари таҳририяти (Р.Рахимова) билан биргаликда:

секторлар фаолияти ва уларнинг вазифалари тўғрисидаги маълумотларни аҳолига етказиш ва уларни хабардор қилиш:

бунда секторлар раҳбарларининг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари бўйича **“медиа-режа”** ишлаб чиқиш ва уларнинг фаолиятини тизимли ёритиб бориш;

секторлар фаолияти бўйича **“видео-ролик”** тайёрлаб, вилоят телевидениесига мунтазам узатиб бориш;

вилоят, шаҳар ва туманларда нашр этилаётган барча маҳаллий газеталарда ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб сайтида секторлар раҳбарлари ва уларнинг вазифалари, телефон рақамлари, секторлар штаблари манзили, фуқароларни қабул қилиш жадвалларини жойлаштириш;

вилоятни комплекс ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича ҳудудлардаги секторлар фаолиятини ҳамда белгиланган чоратадбирларнинг бажарилишига алоқадор корхона ва ташкилот раҳбарлари томонидан йўл қўйилган хато-камчиликларни танқидий ёритиб бориш топширилсин.

8. Ушбу қарор ижросининг назорати халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси ва вилоят ҳокимининг ўринбосарлари зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Сессия раиси



А.Артиков